


РАҲМАТ МАДЖИДИЙ

Раҳмат Мажидий 1906 йил Хива шаҳрида Мажид охун хонадонида дунёга келган. Мажид охун асли Янги Ариқнинг Севинхўжа қишлоғидан бўлиб, Хивага таҳсил олиш мақсадида келган ва мадрасани тугатгач, Амин Чорсу масжидида имом бўлиб, Хивада турғун қолиб кетганди. Мажид охун ажойиб муаллим бўлган ва хон саройига хонзодалар ва амалдорларнинг фарзандларига дарс бериш учун таклиф этилар эди.



Мажид охун ўғли Раҳматжонни аввал ўз мактабида, сўнг янги усулдаги нўғой мактабида ўқитди. Раҳматжон таҳсилни 1917-21 йилларда Оренбургда янги усулдаги “Хусайния” мадрасасида давом эттирди. Сўнг Тошкентга келиб Иқбол мактабида ўқий бошлайди. Шу ерда Хоразм комсомол ташкилотига аъзо бўлиб Хива тумани комсомолига ишга юборилади. Бироқ, Хивада нотинч вазият туфайли у ишини давом эттира олмади. 1922 йил яна Тошкентга қайтиб, САГУ қошидаги рабфакка киради. 1925 йил рабфакни тугатиб, олий маълумот олиш мақсадида Москвага йўл олади.

Раҳмат Мажидий 1925-1928 йиллар давомида Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг Совет ҳукуқи факультетида ўқийди. Лекин олий маълумотли ҳукуқшунос дипломини қўлга кирита олмади. Боиси, ўқишининг сўнгти йилида ўпка шамоллаши туберкулоз билан касалланиб, академик таътил олиб Хивага қайтишга мажбур бўлади.

Раҳмат Мажидий 1928 йил сўнгидан Хоразм вилоят партия қўмитаси қишлоқ хўжалиги бўлимига инструктор бўлиб ишга киради. У ердан Боғот туманига партия котиби этиб тайинланади. 1929 йилдан Хоразм окружкомида инструктор бўлиб, айни пайтда “Инқилоб қуёши” газетасининг ҳам муҳаррири эди. У 1930 йил май-июн ойларида Хоразмдан Самарқандга Олий Суд коллегияси аъзоси сифатида чақириб олинади. Кўп ўтмай ЎзССР Адлия комиссарлиги томонидан Раҳмат Мажидий Самарқанддаги

хуқуқшунослик билим юртига директор ҳамда “Ленин йўли” газетасига муҳаррир этиб тайинланади.

1931 йил ёзида мамлакат пойтахтининг Самарқанддан Тошкентга кўчирилиши муносабати билан Раҳмат Мажидий ҳам Тошкентга келиб “Қизил Ўзбекистон” газетасида партия бўлимига масъул муҳаррир этиб тайинланади. Раҳмат Мажидий 1932 йилдан Ўзбекистон совет ёзувчилари иттифоқи ташкилий қўмитаси раиси, 1934 йилдан эса Ўзбекистон совет ёзувчилар уюшмасининг раислигига сайланади. Раҳмат Мажидийнинг 1933 йил “Адабий ҳаракатчиликни қайтадан қуриш йўлида”, 1934 йил “Пути развития Узбекского советского литературы”, 1935 йил “Адабий танқид хусусида” рисолалари чоп этилди. Раҳмат Мажидий 1935 йил Москвага йўл олиб, икки ярим йиллик Қизил профессурага ўқишга киради. 1937 йил қайин синглиси Марям Султонмуродова қамоққа олинганда ЎзССР ИИХК томонидан терговга чақирилади. Бироқ, у турли баҳоналар билан терговдан бўйин товлайди. Шундан сўнг, бу гал ҳам диплом ололмади. Ўқишидан уни синфий огоҳликни йўқотди деган баҳона билан ҳайдашадилар. Бу пайтда Ўзбекистонга қайтиш хавфли эканлигини англаган Раҳмат Мажидий ўзини панага олди. 1938 – 40 йилларда Москванинг Фрунзе туманидаги Молотов номли фабрика қошидаги катталар мактабида ўқув бўлими мудири ва директор бўлиб ишлаб юради. 1940 йил УзССР КП котиби Усмон Юсупов Москвада Раҳмат Мажидийни кўриб, унинг Ўзбекистонга қайтишини сўрайди ва иш билан таъминланишга ваъда беради. Шундан сўнг, Тошкентга келган Раҳмат Мажидий Ўзбекистон Тил ва адабиёт тарихи институтида илмий ходим сифатида иш бошлайди.

1941 йил 16 декабрь куни ЎзССР Тил ва адабиёт тарихи институти адабиёт шўъбаси мудири бўлган Раҳмат Маджидий ЎзССР ЖКнинг 66-2, 67 – моддалари билан айбланиб қамоққа олинади. 1941 йил 17 декабрь санаси билан тасдиқланган ордер асосида у яшаган Тошкент шахри, Чайковский кўчаси, 18 уйда тинтуб ўtkазилади. 1941 йил 18 декабрь куни тўлдирилган шахсий анкетасига кўра оиласи турмуш ўртоғи Гульчехра Султонова (1910),

қизлари Ойдин (1930), Ширин (1932) ва Бўстон (1934)лардан иборат деб кўрсатилган.

Аслида унинг қамоқقا олинишида айрим кимсаларнинг Мажидий “Чўлпон, Қодирийлар ҳақиқий миллий қаҳрамонларимиз эди”, “Сталинга ва партияга кўрларча садоқат тўғри эмас”, шунингдек, “1920 йилларда таъкибга олишса ҳеч бўлмаса оила аъзоларингга индашмас эди, ҳозир бутун оиласнг билан тинчлик беришмайди” деди каби чақувлари сабаб бўлганди.

Раҳмат Маджидий 1941 йил 18 декабрь куни илк сўроқда ўзининг ўтмишини сўзлаб беради ва ҳеч қачон аксилинқилобий фаолият олиб бормаганини таъкидлайди. 1941 йил 31 декабрь кундаги сўроқ эса асосан юқорида келтирилган чақувларга бағишлиланади. 1942 йил 8 -, 19 -, 22 март кунлари муттасил тунги соат 02 00 дан кейин ўтказилган сўроқларда Раҳмат Маджидий асосан Абдулҳай Тожиев, Усмонхон Эшонхўжаев, Анқабой, Абдулла Қодирий, Отажон Ҳошим, Воис Раҳимий, Мўмин Усмонов каби 1937 йилда қамоқقا олиниб йўқ қилиб юборилган инсонлар ҳақида сўраб суруштирадилар.

Ёзувчилар Уйғун Отакўзиев, Назир Сафаровларнинг салбий кўрсатмалари, айниқса, Ҳамид Олимжон Мажидийнинг 1930-36 йиллардаги илмий-адабий меросини яроқсиз деб топиши уни оғир аҳволга солиб қўяди. Раҳмат Маджидийнинг айблов баённомасига кўра уни бирор арзирли далиллар кўрсатилмагани ҳолда ЎзССР ЖКнинг 66-2, 67 – моддалар билан айланган. 1943 йил 17 июл куни ўтган суд Раҳмат Маджидийни 8 йил МТЛга хукм қилади.

Раҳмат Маджидий 1943 йил 25 августдан жазони ўташ учун Тагиллагга этап қилинади. Сўнг яна Ўзбекистонга этап қилиниб, Андижон вилояти, Избоскан туманида жойлашган махфий лагерда жазонинг қолган қисмини ўтайди. У 1949 йил 18 декабрь куни озодликка чиқиб, 1949 йил 22 декабрь куни Хоразм вилояти Чандирқиёт қишлоғига кириб келади. Раҳмат Маджидий қамоқقا олинганидан сўнг унинг Тошкент шаҳридаги уйи тортиб олиниб, турмуш ўртоғи Гулчехра Султонова фарзандлари билан

Чандирқиётдаги ота уйига келиб, қишлоқдаги Сталин колхозига ишга кирган эди. Р.Маджидий Чандирқиётга етиб келиб фарзандларини бағрига босди, лекин қамоқда орттирган бронхит касали авж олиб бир муддат ётиб қолади.

Совет жамиятида ишламаслик жиноят ҳисобланишини билган Раҳмат Маджидий 1950 йил февралида иш излаб “Хоразм ҳақиқати” газетаси боради. Рад этилгач, туман газеталари, кўплаб мактабларга бориб ўқитувчилик қилиш учун дарс сўрайди. Бироқ, бирор жой иш бермади. 1950 йил апрель ойининг ўрталаридан Раҳмат Маджидий колхозда оддий ишчи сифатида иш бошлайди.

1950 йил 22 июн куни яна уни сўраб келишади. Шу куннинг ўзида уни яна қамоқقا олишади. Ҳали унинг дийдорига тўйиб улгурмаган қизлари Шарифа, Ойдин, Ширин ва Бўстонлар отасининг ортидан зор йифлаб қолади. 1950 йил 26 июн куни Урганч турмаси тиббиёт бўлимининг маълумотномасига кўра Р.Мажидийнинг юрак, ўпка туберкулозикабиқатор касалликлари борлиги учун уни фақат енгил жисмоний меҳнатларга яроқли деб хulosha берган.

Раҳмат Маджидий 1950 йил 27 июн куни Урганч шаҳрида ўтказилган сўроқда бошидан ўтган барча ноҳақликларни баён қилди. Бироқ, 1950 йил 23 сентябрь Давлат хавфсизлиги вазирлиги қошидаги йиғин уни Краснояр ўлкасига кўчма қилишга қарор қиласди. Бу гал жиноятларининг исботи кўрсатилмагангина эмас, ҳатто жазонинг муддати ҳам кўрсатилмаган эди.

Сталин вафотидан сўнг Раҳматжон Мажидий 1954 йил 22 март санаси билан Краснояр ўлкаси, Абан тумани, Устьян совхозидан СССР Бош Прокурорига ариза ёzádi. Унда ўзининг 1941 йил аксилиңқилобий тарғиботда айбланиб қамоқقا олингани ваноқонуний усулда тергов қилинганини таъкидлаб, “... ўн уч кун давомида даҳшатли қийноқларгачидаб, ҳеч бир қоғозга имзо чекмасдан шахсан наркомнинг ўзи билан учраштиришларини талаб қилдим, дейди. Нихоят ЎзССР ИИХК А.Кабулов келди. Бироқ, у мендан ҳақиқатни тинглаш ўрнига ҳеч бир асоссиз менга “халқ душмани” сўзини қўллади ва “ўзини номуносиб тутди” деб қўл

остидағилардан мени гапиртиришларини талаб қилди. Шундан сўнг мени энди тўрт киши бўлиб таҳқирлаша бошлишди. Мен тухматлар ёзилган қоғозларга имзо чекишга мажбур бўлдим, дейди. Шунингдек, айrim касбдошларимни ҳам қўрқитишган шекилли ҳеч бир асоссиз улар ҳам менга нисбатан тухмат қилдилар, деб аризани унинг ишини қайта қўриб чиқишиларини сўраб якунлайди. Мазкур ариза туфайли унинг иши қайта қўрилиб, 1956 йил 13 апрель куни ЎзССР Олий Суди томонидан Раҳмат Мажидий оқланади.

Раҳмат Мажидий озодликка чиққач, дастлаб қишлоқ мактабида адабиёт, тарих фанларидан ўқувчиларга сабоқ берди. Кейин Урганч шаҳридаги болалар кутубхонасида фаолият олиб борди. Сўнг эса дўсти таниқли олим Ҳамид Сулаймоновнинг таклифи билан Тошкентга қайтиб, яна Тил ва адабиёт институтида иш бошлидай. 1960 йил Огаҳийнинг “Таъвиз ул ошиқин” девонини нашр эттирди. Бир йилдан сўнг эса “Огаҳий лирикаси” мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлади. Унинг кейинги йиллардаги ижодий фаолияти янада самарали кечди. Раҳмат Мажидий 1983 йилнинг декабрида касаллик туфайли вафот этди...

Манба: Б.Ирзаев, Ю.Раҳмонова. Хоразм вилояти Хотира китоби(77-81бет).